O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 29 май, № 103 (4256) Сешанба

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



# МЕҲР ҚОЛУР, МУРУВВАТ ҚОЛУР

***Эзгуликнинг қаноти бор, деганлари бежиз эмас. Ҳар куни дунёнинг турли чеккаларидан турли соҳа мутахассисларининг юртимиз ҳақидаги, эришаётган ютуқларимиз ва изчил ислоҳотларимиз тўғрисидаги фикрларини эшитганда бунга амин бўлмоқдамиз.***

Ахир, эзгулик қонимизга, жонимизга сингиган бўлса, қалбимиз мудом меҳр ва ободлик истагач, тилларга тушмаймизми?!

Ҳар тонг яхшилик, бунёдкорликнинг гувоҳи бўлаётганимиз айни ҳақиқат. Куни кеча биз — пойтахт оммавий ахборот воситаларида ишлаётган бир гуруҳ журналистларнинг Жиззаҳ сафарига отланишимизга ҳам бир яхши хабар асос бўлди.

Вилоят марказидаги 29-Меҳрибонлик уйи муҳташам кошонага айлантирилиб, ўз эгаларига топширилаётганини эшитдигу шу ерни бир зиёрат қилгимиз келди. Бу билан меҳрга ташна, кўнгли ўксик бўлса-да, она халқининг қалб ҳароратидан куч олиб, униб-ўсаётган болакайларнинг қувончига шерик бўлмоқ истадик. Кўриб қувонса, ҳатто ифтихор қилса арзийдиган манзара. Мармар зиналар-у, кенг ва ёруғ хоналар, энг сўнгги русумли компьютерлар билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази, спортнинг барча турлари учун шароит муҳайё қилинган кўркам машғулот заллари, қимматбаҳо жиҳозлар, поймиздаги чўғдек гиламларни кўриб, ташаббускор ташкилотчи ва ҳомийларга тасанно дедик. Норасидаларнинг бошини силагувчи, боланинг бегонаси йўқ, дея гўдакларга ғамхўрлик қилгувчи олижаноб халқимиз, инсонпарвар Юртбошимиз борлигидан фахрландик, очиғи.

(Давоми 2-бетда).

## Айтгил дўстим, нима қилдик, Ватан учун?!




Таниқли ҳофизнинг:

***Ўзга юртнинг боғи билан боғчаси***
***Ўз элимнинг янтоғича кўринмас,***

деган сатрларини эшитмаган тингловчи бўлмаса керак. Ушбу наволарни ҳар гал эшитганимда вужудимга бир нур ўрмалайди, мисраларнинг моҳиятини англаганим сайин Ватан деган буюк заминимга меҳру муҳаббатим яна ҳам ошади.

# ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛСИН КЎНГИЛ

Дарҳақиқат, Ватан ўз меҳри маҳобати билан устувор қадриятдир. Унинг бағрини янада ҳароратли қилиш учун, оддий қилиб айтганда, Ватанни севиш, ушбу меҳр-муҳаббатнинг бўйи қадар меҳнат қилиш керак, холос. Токи бу меҳнатинг ҳар қандай иддао ва миннатлардан холи бўлсин. Токи бу саъй-ҳаракатинг эътиқод фарзандига айлансин. Зеро, ушбу эътиқод замирида эртанги кунга ишонч, умид, халқимиз турмуши фаровонлиги мужассам бўлсин!

Аслида бундай эътиқод ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Мана, мен ўз тақдиримни сарҳисоб қилиб кўрадиган бўлсам, қирқ йилдан ортиқ умрим далада ўтди. Шунча вақт ер билан тиллашдим. Мўл ҳосил илинжида меҳнат қилдим. Лекин фақат мустақиллик йилларида ана шу меҳнатларим қадр топди. Меҳнатимга яраша рағбат кўрдим. Эл билан эллашиб, чеккан заҳматларимга раҳмат эшитдим. Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлдим.

Шу ўринда бир гапни айтишим керак. Мустақилликки, бизга шунча неъматни берибди, биз унга, Ватанимизга нима бердик? У бизни шунчалар сийлабдики, биз-чи, нима қилдик?

Нокамтарликка йўймангу, мен шахсан ўзим, қўлимдан келган барча ишларни қилаяпман. Ҳозир фермер хўжалигимизнинг экин майдонлари 100 гектарни ташкил этади. Ўтган йили жами 113 миллион сўм даромад қилдик, соф фойда 40 миллион сўмни ташкил этди. Жамоамизда 37 киши ишлайди. Ҳозир далаларимизда иш қизғин. Буғдойзорларимиз етилиб қолди, ғўзаларимиз баравж. Бу йил ҳам катта даромад кутаяпмиз. Менинг шиорим бор. Боболаримиздан яхши ном қолган, мендан ҳам яхши ном қолсин, меҳнатларимиз самарасидан фақат ўзимиз эмас, барча элдошларимиз баҳраманд бўлсин, дейман.

Ўтган йили Меҳрибонлик уйларига, касалхоналарга, мактабларга 5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатдик. Қишлоқдошларимиз томорқаларини суғоришлари учун 2 миллион сўмга электр насос сотиб олиб, қуриб, ишга туширдик. Қишлоқ аҳолиси туман марказига 22 километр йўл босиб бозор-ўчар қилиб келади. Уларга қулайлик бўлсин деб Вазир қишлоғи Оқ қум ҳудудида гузар қуришга киришдик. Унда қишки, ёзги тўйхона, бозор, ҳаммом, тикувчилик цехлари, дўкон ва бошқа бинолар қурилади. Бошқа ҳомийлик ишларимиз ҳам кўп.

Демоқчи бўлганим, меҳнат қилсанг, яратувчилик қилсанг, бир ўзинг учун эмас, эл-юрт учун, Ватан учун ҳам наф келтирасан. Нимаики қилсак, шу Ватан учун, фарзандлар келажаги учун қиламиз. Дилимиз бир, интилишларимиз якдил бўлса, юртимиз янада фаровонлашаверади.

**Гулмат ҲАЙИТМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Гурлан туманидаги фермер хўжалиги раҳбари.**

# МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

***Тошкент ахборот технологиялари университетининг навбатдаги битирувчиларига магистрлик дипломлари топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда мазкур олий таълим даргоҳи ўқитувчилари, тегишли вазирлик, корхона ва ташкилотлар вакиллари, талабалар иштирок этди.***

Мазкур университет ректори С.Қосимов бошқарган тадбирда мамлакатимизда ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини ҳаётга татбиқ этишни янада кенгайтириш, юксак технологияларни ҳаётга жорий қилиш, жамиятни ахборотлаштириш ва ушбу соҳа бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2005 йил 2 июнда қабул қилинган «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

### Миллий дастур амалда

Айни пайтда юртимиздаги қатор олий ўқув юртларида ахборот технологиялари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) — мамлакатимиздаги мазкур йўналишдаги бош олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Мазкур университетда мавжуд иқтисод ва бошқарув, ахборот технологиялари, радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш ҳамда телекоммуникация технологиялари каби факультетларда ҳар йили юзлаб ёш мутахассис тайёрланади.

Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарорига биноан, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб ТАТУнинг Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ташкил этилган минтақавий филиаллари ҳам соҳа учун етук мутахассислар тайёрлашда самарали фаолият юритмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетини жорий йилда 12 йўналиш бўйича 169 нафар магистр тамомлади. Уларга магистрлик дипломларини топшириш маросимида юртимизда замонавий ахборот технологияларини чуқур ўзлаштирган, малакали кадрлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов иштирок этди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон дунёга қадимий ва бой маданиятга эга мамлакат сифатида маълум ва машҳурдир. Буюк аждодларимиз бизга кўплаб меъморий ёдгорликлар, очиқ ҳаводаги музей-шаҳарлар, жаҳон цивилизацияси тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб адабий ва илмий асарлар, халқ оғзаки ижоди ҳамда амалий санъати дурдоналарини мерос қолдирган. Юртбошимиз ушбу кенг кўламли ноёб меросни қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, уни Ўзбекистоннинг серқирра миллий маданияти асосида ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 июлдаги "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ҳамда 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорлари ушбу улкан ишларнинг мантиқий давоми бўлди.*

# САМАРҚАНД ВА МАРҒИЛОН ЮБИЛЕЙЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистоннинг ушбу икки қадимий шаҳри юбилейлари ЮНЕСКО шаъфелигида ўтказилади. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида "Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг жаҳон цивилизацияси тарихи ва маданиятидаги ўрни" мавзуида халқаро илмий конференция, ушбу тадбирга бағишланган кўргазма ҳамда Ўзбекистон санъати усталарининг концерти бўлиб ўтди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги делегацияси ҳам иштирок этди.

Мазкур вазирлик матбуот хизматининг ЎзА мухбирига маълум қилишича, ЮНЕСКО Бош котиби Коичиро Мацуура Ўзбекистон делегацияси билан учрашувда Президент Ислом Каримовнинг ўзбек халқининг тарихий-маданий меросини асраб-авайлашга қўшаётган улкан ҳиссасини юқори баҳолашини таъкидлаган ва давлатимиз раҳбарига ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳамда лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этган. Шунингдек, учрашувда бой тарих ва маданиятга эга

(Давоми 2-бетда).

# Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар ва жойлардаги ҳокимият органлари раҳбарлари иштирок этди.***

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қабул қилинган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши, давлат қўмиталарида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунини амалга ошириш натижалари батафсил таҳлил қилиниб, қоғозсиз ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Ушбу тизимни жамият фаолиятининг барча жабҳаларига татбиқ этишнинг ижобий томонлари, шунингдек, электрон ҳужжат айланишини янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш истиқболларига эътибор қаратилди. Электрон ҳужжат айланиши тизимларини бирхиллаштириш мақсадида миллий стандартлар қабул қилинишини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда масъул шахсларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятининг айрим туманларида электрон ҳужжат айланиши воситаларидан фойдаланган ҳолда, молиявий ҳисобдорлик ва ҳисоб-китобни тақдим этиш тизимини шакллантириш ҳамда янада ривожлантиришга доир маърузалари тингланди. Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари кўриб чиқилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталарининг корпоратив ва маҳаллий тармоқларининг ахборот хавфсизлиги мониторинги натижаларини ҳам муҳокама этди.

**(ЎзА).**

## Ҳам ҳуқуқ, ҳам масъулият

***Жиззах вилояти ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларининг, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди.***

Тадбирда республикадаги қатор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, вилоятдаги барча назорат органларининг раҳбарлари, йирик корхона ва ташкилотлар мутасаддилари ҳамда бош ҳисобчилари иштирок этди.

Кўргазмали семинар чоғида «Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган шароитлар, берилаётган имтиёзлардан ишбилармонлар самарали фойдаланаяптими?», «Тадбиркорларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятга муносабатлари қандай?» каби саволларга жавоб изланди.

Давра суҳбатида жойларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор ва фармонларнинг ижроси хусусида сўз юритилди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг тегишли давридаги кўрсаткичга таққослаганда**

**105,5 фоизни ташкил этди**

Соҳада иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани, жумладан, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёни деярли якунлангани, фермер хўжаликларини ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан таъминлайдиган қўшимча шохобчалар очилгани, машина-трактор парки, мини банк, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси каби кўплаб инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилгани туфайли шундай ижобий силжишга эришилди.

***Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида қайтадан бунёд этилган Абу Али ибн Сино музейида етти юзга яқин ноёб экспонат бор. Яқинда шу экспонатлар қаторидан «Тиб қонунлари» асарининг XIV асрга мансуб араб тилидаги кўчирма нусхаси ҳам ўрин олди.***

## Франциядан музейга совға

Парижда фаолият кўрсатаётган «Авицена-Франция» ассоциацияси бир неча йилдирки, мазкур музей билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу ассоциация ҳиммати билан юқорида номи тилга олинган асарнинг лотинча қадимий нусхаси ва XV аср ўрталарида Ибн Сино ҳаёти ва ижодига оид илмий тадқиқотнинг нусхаси музей осори-атиқалари қаторидан жой олди. Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан — Бернар АРТ бошчилигидаги шу давлат вакиллари қадимий Афшонада бўлиб, экспонатларни музейга топширдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ.**

# ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?..

***Мамлакатимиздаги бугунги ўзгаришларни кузатиб, уни улкан бунёдкорлик майдонига менгзаш мумкин. Дарҳақиқат, шаҳару қишлоқларда кейинги уч-тўрт йил ичида муҳташам бинолар қад ростлади, кўркам иншоотлар фойдаланишга топширилди, данғиллама уй-жойлар қурилди, кенг ва равон йўллар, кўприклар барпо қилинди. Ижтимоий аҳамиятга молик бундай ишларнинг узлуксиз жараёнида, табиийки, қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ортади. Ана шу эҳтиёж қайси омиллар ҳисобига қондириляпти?***

### Жараён



Аслида бугунги улкан яратувчанликнинг тамал тоши истиқлолнинг дастлабки йилларида қўйилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида қурилиш материаллари, жумладан, ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида табиий имкониятлардан оқилона фойдаланиб, теракчиликни ривожлантириш, ёғочбоп дарахтзорларни барпо қилиш вазифалари белгилаб берилган эди. Хўш, ўтган даврда бу вазифалар қай даражада бажарилди?

– Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан йилига ўртача 8-10 минг куб метр ишбоп ёғоч тайёрланаётган бўлса, унинг салмоқли қисми ўзимизда етиштирилган тераклардан олинмоқда, – дейди биз билан суҳбатда шу бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Муродбой Ғаниев. – Гап шундаки, ҳукумат қарори талаблари бўйича

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Экспорт — иқтисодиёт таянчи

**Кейинги йилларда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида сифат ва маҳсулдорлик борасида улкан ўзгаришлар юз берди. Эътиборлиси, бу ўзгаришлар ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш ва эҳтиёждан ортганини экспортга жўнатиш орқали намоён бўлмоқда.**



■ *Болалар ва ич кийим трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Alkim textile" хусусий корхонасида 600 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган Европа андозалари даражасидаги маҳсулотлар Германия, Голландия, Австрия, Туркия, Россия каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларини ташкил этади.*

**СУРАТДА:** тикувчи Сайёра Ризаева.

**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

### Кўрик-танлов ғолиби

**Жиззахда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг энг яхши ижрочиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**



■ Умумтаълим мактаблари ўқувчилари, мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари, ўқитувчи ва тарбиячилар ўртасида ўтказилган ушбу танловда дастлабки босқич мусобақаларида ғолиб чиққан 20 та хор жамоаси иштирок этди.

Кўрик-танлов ҳайъати хулосасига кўра, Фориш туманидаги 12-мактаб хор жамоаси кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлди.

### Қулай ва самарали

**Сирдарё вилоятида янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

■ Жорий йилнинг ўтган даврида Гулистон шаҳридаги "Экспрессавдо" , "Лола", "Машҳура-Шерзод" масъулияти чекланган жамиятлари, "Гулистонпарранда", "Гулистонэкстрактёғ" ҳиссадорлик жамиятлари ва "Лола модель" қўшма корхонасида 200 га яқин киши касаначилик асосида ишга жалб қилинди. Мебель ишлаб чиқариш, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, буюртма асосида кийим-кечаклар тикиш ва парранда маҳсулотлари етиштиришда касаначилар меҳнатидан самарали фойдаланилмоқда.

### «Ичан қалъа» каталоги

**Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Хивадаги «Ичан қалъа» музей — қўриқхонаси ҳамкорлигида тўрт жилддан иборат «Ичан қалъа» альбом-каталоги нашр этилди.**

■ Мазкур альбом-каталогда "Ичан қалъа"дан жой олган 54 минг экспонат ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумот берилган.

Каталог «Хоразм тамаддуни – жаҳон маданиятининг узвий қисми», «Ичан қалъа» музей қўриқхонаси тўпламлари», «Қадимги Хоразм», «Амалий санъат», «Ҳунармандчилик», «Мусиқа санъати тарихи», «Халқ таълими» каби бўлимлардан иборат. Ушбу альбом бебаҳо меросимизни, бой маданиятимизни ўрганаётган ёшлар, мамлакатимиз билан танишиш иштиёқида юртимизга ташриф буюрадиган минглаб хорижий сайёҳлар учун ҳам муҳим қўлланма вазифасини бажаради.



### Нурафшон диллар

**Оқдарё туманидаги кам таъминланган оилалар, ногиронларга кўмак бериш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, тадбирларга таклиф этиш одатий ҳолга айланиб қолди.**

■ Яқингинада ўтказилган шундай тадбирда мурувватли корхона, муассаса ва идоралар, хусусий корхоналар, хусусан, «Оқдарё машина-трактор парки» акциядорлик жамияти, «Автойул» бирлашмаси, «Қишлоқхўжаликкимётаъминот»нинг ва «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимлари саховати билан эҳтиёжмандларга эшитиш мосламалари, ногиронлик аравачалари топширилди. Тадбирдан сўнг ночор оилалар, бетоб ётганлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



# МЕҲР ҚОЛУР, МУРУВВАТ ҚОЛУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан 13 йил илгари фаолият бошлаган мазкур даргоҳда бугун 100 дан зиёд фарзанд камол топаяпти. 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган — ўзбек, қозоқ, корейс ва рус миллатига мансуб бу болалар тажрибали педагог ва тарбиячилар қўлида улғаймоқда. Авваллари улар бир хонада 10-12 кишидан яшаган бўлса, эндиликда ҳар тўрт бола учун биттадан шинамгина ётоқ, дам олиш ва ювиниш хоналари барпо қилинди.

Меҳрибонлик уйининг бундай асл кўринишда қад ростлаши учун Жиззах шаҳридаги "Мерос" хусусий фирмасининг 80 нафар қурувчиси астойдил меҳнат қилди. Халқ таълими вазирлиги, Республика Бош прокуратураси, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари капитал реконструкция ишларига бош-қош бўлишди, уйни зарур жиҳозлар билан таъминлаб беришди. Ушбу масканнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Т.Жўраев, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М.Анарбоев иштирок этишди.

— Ўзининг беминнат ёрдами билан болажонларимиз қалбига ёруғлик олиб кирган инсонлардан беҳад миннатдормиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Раъно Юсупова. — Гарчи улар ҳали ёш бўлишса-да, бекаму кўст яшашлари учун қайғурган, меҳрини дариғ тутмаган инсонларнинг яхшилигини умрбод ёдда сақлаб қоладилар. Чунки улар табиатан шунақа — кўрсатилган озгина эътиборни ҳам олам-олам қувонч билан қаршилашади.

Бу нақадар ҳақ гап эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун болалар кўнглига қўл солиб кўришнинг ўзи кифоя.

— Бу ердаги опаларингдан кимларни яхши кўрасан? — сўрайман 14 яшар Ҳусан Жамолов исмли боладан.

— Феруза опам, Раъно опам, Саодат опам, Наргиза опам, Баҳром акам...

Қўйиб берсангиз болакай барча "опа"ларини номма-ном санаб беради.

— Келажакда ким бўлмоқчисан, Ҳусанбек?

— Ҳарбий бўлмоқчиман!

— Сени бу ердан олиб кетамиз дейишса кетармидинг?

— Йў-ўқ, мен ҳеч қаерга кетмайман!

Негалигини сўрасам, у: "Янги уйимизда ҳам Саодат опамнинг эртакларини эшитиб, ухлашни хоҳлайман" деди-ю, бошқа саволга ҳожат қолдирмади. Чин меҳрнинг ҳамиша қалбга жо бўлиши шу эмасми? Мурғак юракларга яхшилик уруғини сепган бу меҳр эртага эзгуликни, шаъну шавкатни бошлаб келса, не ажаб?! Ахир, бугун айтаётган ҳар бир сўзимиздан тортиб, бажараётган ишимизгача бари шундай ёруғ манзилларни кўзлаганимиздан дарак-ку!

Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизматидан олган маълумотларимизга кўра, сўнгги икки йил ичида Жиззах воҳасида 12 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилган, 62 таси капитал реконструкция қилинган, 83 та мактаб капитал, 20 таси эса жорий таъмирланган. Улар энг замонавий ўқув мебеллари, компьютер техникаси ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастуридан ташқари вилоятдаги барча ҳокимлик ва ҳомий ташкилотлар ҳам фарзандлар келажаги фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўшмоқ таклифи билан чиқдилар.

Биз дараклаб борган муҳташам Меҳрибонлик уйининг барпо этилиши ҳам ушбу умуммиллий ҳаракатнинг Ижтимоий ҳимоя йилида янада кенг тус олганидан далолат, десак янглишмаймиз. Амалга оширилган ишларнинг умумга қиёсланаётгани ҳам бежизмас. Зеро, бугун ҳар бир ташкилот ва мутасадди шахс ўз бурчидан келиб чиққан ҳолда эртамиз осойишталигини ўйлаб қайғурмоқда.

— Ҳар бир боланинг ўз оиласи, туғишганлари бўлса, дунёда етим деган номнинг ўзи бўлмаса, қанийди, — дейди Жиззах шаҳар прокурори Т. Сагатов. — Бугун шаҳримиз миқёсида ёшларни тўғри йўлга йўналтириш борасида янгича усулларни қўлламоқдамиз. Масалан, уларда ҳалол меҳнатга бўлган интилиш ҳиссини шакллантириш мақсадида ҳар ой меҳнат ярмаркаси ташкил этаяпмиз. Ўқув даргоҳи ва маҳаллалардаги вояга етмаган ёшларнинг жалб қилиниши, уларга ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот берилаётганлиги яхши самара бермоқда. Тўғриси ҳам шу, фарзандларимизни бекорчилик ва безориликдан асрасак, ҳаётда муносиб ўрин топишларига кўмаклашсак, ўз-ўзидан жиноятчиликка қарши курашган ва оилалар буст-бутунлигини таъминлаган бўламиз. Бу билан кўнгли ўксиклар камаяди.

*Гулзор ёнида туриб, хаёлга чўмиб қолибман. Бир маҳал кимдир қўлимдан тортди. Қарасам, боягина ҳовлида чопқиллаб юрган жажжи Сетора менга кулиб боқарди. Ҳали уч ёшга тўлиб-тўлмаган бу қизалоқнинг ота-онасидан ажраганига бир ярим йил бўлибди. Уни бағримга босаман. Тез-тез ураётган юракчаси дукури юрагим зарбига жўр бўлади. Қизчани қўлимдан қўйгим келмайди. Қип-қизил ёноқларидан ўпиб қўяман. Хайрлашув чоғи қўл силкитганича ортимдан қараб қолган Сетoрадан кўнгил узолмайман. Ва ўйлаб қоламан: унга, у каби пок ва беғубор, меҳр истаган гўдакларга ҳеч бир инсон бефарқ бўлолмаса керак. Шунинг ўзи – норасидалар тақдирига лоқайд эмаслигимиз, ширин сўз ва хиёлгина кўмагимизни қизғанмаганимиз меҳру муҳаббатимиздан нишона. Ана шу қайноқ тафтни ҳис қилиб бугун келажак улғаймоқда!*

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СУРАТЛАРДА: Меҳрибонлик уйи ҳаётидан лавҳалар.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



### Меҳнатдан келган бойлик

Янгиликка интилган жамоанинг ошиғи олчи. Буни Қўрғонтепа туманидаги "Савай" наслчилик мажмуасида амалга оширилаётган ишлардан ҳам билса бўлади. Тан олиш керак, сўнгги уч-тўрт йил ичида мажмуада ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳар бош соғин сигирдан бор-йўғи 2-3 литрдан сут соғиб олинаётган эди. Мажмуа "ким ошди" савдосида "Музимпекс" — ўзбек-швейцария қўшма корхонаси тасарруфига ўтгач, қисқа вақт оралиғида ишлар ривожланиш сари одимлади. Маҳсулдорлик ошди, чорвадорлар учун иш шароитлари яхшиланди. Ҳар бир ишчининг ойлик маоши 75-150 минг сўмни ташкил этмоқда. Қорамоллар сони эса 105 бошга кўпайтирилди.

— Ишлашни истаган имкон топади, — дейди сут соғувчи Малика Қозоқбоева(суратда.) — Фақат ҳаракат бўлса, ўзингга топширилган вазифага сидқидилдан ёндашсанг бас, муваффақиятларнинг ўзи келаверади.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?..

(Давоми. Боши 1-бетда).

йилига 400 гектардан ортиқ майдонга терак экилиб, жами 4869 гектар ёғочбоп дарахтзорлар ҳосил қилинди. Жамоамиз мутахассислари, шунингдек, тез ўсувчи дарахт плантацияларини яратиш юзасидан ҳам изланишлар олиб боришяпти. Шу мақсадда Хитойдан "Свадон" навли терак қаламчалари келтирилиб, кўпайтирилди. 2003 йилдан эса француз тераги ҳам маҳаллий иқлим шароитида синовдан ўтказиляпти.

Одатда, ўзбек хонадонида ўғил туғилса, албатта, терак экилган. Шу тариқа фарзанд вояга етиб, бошпана қургунича ёғоч тайёр бўлган. Афсуски, бу анъана бироз унутилгандек эди. Мазкур қарор қабул қилингандан сўнг аҳоли йўл бўйларига, томорқаларига кўплаб терак кўчатлари ўтқазди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида эса 35850 гектар майдонда тераксорлар яратилди.

Ҳозирги кунда мавжуд қурилиш ташкилотларини зарур маҳсулотлар билан таъминлашда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналарининг хизмати беқиёс, албатта. Чунки ушбу компания тизимида хорижники билан рақобатлаша оладиган янги ва сифатли маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, ўтган йили "And-polik" қўшма корхонаси "Алькопон" алюминий-пластикли композитланган панелларни сотувга чиқарди.

— Соҳага бундай янгиликларнинг жорий этилиши туфайли маҳсулотларимизга бўлган талаб тобора ортиб бораётир, — дейди "Ўзқурилишматериаллари" компаниясининг ишлар бошқармаси бошлиғи Аҳмаджон Хўжақулов. — Биргина 2006 йилда 410 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик. Бу аввалги йилдагига нисбатан қарийб икки баробар кўпдир. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 114 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 120,5 фоиз ўсиш кузатилди. Ўтган вақтда, шунингдек, анъанавий цемент, шифер, ғишт, оҳак, гипс, керамик плиткалар, деворбоп маҳсулотлар қаторига изол, мастика, травертин композитли материаллар ҳам қўшилди. Улар қурувчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Қувонарлиси, бу қурилиш ашёларининг сифати юқори бўлгани учун хорижлик шериклардан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, яқингинада бундай қурилиш ашёларини четдан келтирган бўлсак, бугун уларни хорижга сотяпмиз. Ўтган йили Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон, Эрон, Озарбойжон каби давлатларга 53,6 миллион АҚШ долларлик қурилиш материаллари экспорт қилингани шундан далолат беради. Жорий йилда эса ички ва ташқи бозорларни ўрганган соҳа мутахассислари ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар кўпайтириш бўйича изланишлар олиб боришаётир. Дастурга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилади. Ҳозирги кунда бу ҳудудларда сармояларни жалб қилиш, хомашё захираларини аниқлаш ишлари бошлаб юборилган.

— Ушбу ҳудудларда янги корхоналар қурилишининг сабаби бор, — изоҳ беради А.Хўжақулов. — Чунки бу жойларда асосий хомашё — оҳак захираси бисёр. Сурхондарёда эса табиий газнинг ўрнини босувчи кўмир кони борлиги аниқланган.

Ўтган йили компания бўйича 5,6 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилган эди. 2012 йилга бориб, мазкур кўрсаткични 12 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бунда тадбиркорлик имкониятларидан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ишбилармонларнинг ҳам улуши бўлади, албатта.

Буларнинг бари пировардида республикамиз иқтисодиёти янада юксалиши, шаҳару қишлоқларимиз бетакрор гўзалликка бурканиши, халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

**Саид РАҲМОНОВ.**

# САМАРҚАНД ВА МАРҒИЛОН ЮБИЛЕЙЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги қайд этилган. Бугун Ўзбекистоннинг кўплаб қадимий дурдоналари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари, маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов учрашув иштирокчиларига мамлакатимизда маданиятни ривожлантириш, тарихий меросни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболларига оид масалалар хусусида фикр алмашилди.

Парижда ўтказилган халқаро илмий конференция муҳим воқеага айланди. Унда ЮНЕСКО, Франция вазирликлари ва Сенати вакиллари, таниқли тарихчи олимлар, археологлар, санъатшунослар, шунингдек, дипломатлар ҳамда жаҳон мамлакатларининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакиллари иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон ва Франция олимларининг маърузаларида Самарқанд ва Марғилоннинг жаҳон цивилизацияси ривожидаги тарихий роли ҳар томонлама очиб берилди ҳамда илмий жиҳатдан асосланди. Анжуманда Франциянинг Термиздаги археологик экспедицияси раҳбари, профессор П.Лериш, францияли тарихчи К.Лошон, Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Р.Алимов, Ўзбекистон Бадиий академияси бош илмий котиби К.Оқилова, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти бўлими мудири Б.Матбобоев ва бошқалар сўзга чиқди. Олимларнинг сўнгги тадқиқотлари натижалари, археологик қазилмалар пайтида топилган Самарқанд ва Марғилоннинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришда муҳим тарихий ҳамда маданий-гуманитар ролидан далолат берувчи илмий далиллар, ҳужжатлар, маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Олимларнинг чиқишлари давомида ушбу икки қадимий шаҳримизнинг ўтмиши ҳамда бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилувчи слайдлар ва видеофильмлар намойиш этилди.

Бу ерда ташкил этилган кўргазма ҳам катта таассурот қолдирди. Унинг экспозициясидан Самарқанд ва Марғилон усталарининг энг яхши ҳунармандчилик санъати намуналари, шаҳарларимиз ҳамда Ўзбекистон тарихи ҳақида ранг-баранг плакатлар ва бошқа матбаа маҳсулотлари жой олган.

ЮНЕСКО Бош котиби Коичиро Мацуура кўргазмани очар экан, Самарқанд ва Марғилон, илгари нишонланган Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари юбилейларининг ЮНЕСКО шаъфелигида ўтказилиши ушбу қадимий тарихий-маданий марказларнинг халқаро аҳамияти, ўзбек халқининг бой маънавий меросини жаҳон жамоатчилиги учун асраб-авайлаш нечоғли муҳимлигидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбекистон санъат усталарининг концерти, шунингдек, Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида бўлиб ўтган тантанали кеча мазкур юбилейларга бағишланган катта дастурнинг ажралмас қисмига айланди. Бу тадбирлар қадимий маданиятимизнинг кўплаб ихлосмандлари нигоҳида Ўзбекистон миллий санъати, халқимизнинг анъана ва урф-одатлари, пазандачилигининг бетакрор қирраларини намойиш этди.

ЮНЕСКО қароргоҳида Самарқанд ва Марғилон юбилейларига бағишлаб ўтказилган тадбирлар иштирокчиларга нафақат дунёга машҳур ушбу икки шаҳар, балки мамлакатимиз тарихи ҳамда бугуни билан яқиндан танишиш имконини берди. Негаки, хорижда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир. Бу, биринчи навбатда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотларнинг юксак самаралари, халқимизнинг мустақиллик туфайли кенг кўламли туб ўзгаришларни амалга оширишдаги собитқадамлиги билан боғлиқдир.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Жийда, беҳи, анжир каби мевали дарахтларнинг шўрга чидамлилигини биласизми? Зовур ва ариқ ёқаларига, дала четларига экилган бу дарахт турлари кўкартириб олинса кифоя — ҳам ернинг захини буғлантиради, ҳам хуштаъм мева беради. Масалан, мутахассисларнинг айтишича, бир туп жийда 12-13 саржин (625 кв.м.) ернинг захини қочиради. Беҳи, анжир, тут, ёввойи олча каби дарахтлар ҳам шундай хусусиятларга эга. Уларнинг яна бир афзаллиги шуки, бари қаламчасидан кўпаяди. Яъни маблағ талаб қилмайди.*

# ЖИЙДА БОЗОРИНИ КЎРГАН БОРМИ?

**Мушоҳада**

Маълумотларга кўра, мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудудларида анчагина шўрланган майдонлар мавжуд. Тўғри, бу жойларда ҳукуматимиз томонидан мелиорация ишлари изчил амалга оширилмоқда. Агар ана шу ерларга ҳар йили баҳор ва куз ойларида биз айтган мевали дарахт қаламчалари кўплаб миқдорда ўтқазилса, ўйлаймизки, қанча-дан-қанча замин шўрланишининг олди олинарди.

Бу мавзуни қаламга олишимизнинг бошқа сабаби ҳам бор. Яқинда пойтахт бозорларидан бирида жийда излаб юрган харидорни учратиб қолдик. У "Жийда бозори қаерда?» деб одамлардан сўраб юрарди. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир бозорларда жийда камайиб кетган. Шунда кўнглимиздан «Агар бу дарахт тури кўпайтирилса, бозорларимиз ҳам мева-чеваларга янада сероб бўларди» деган бир эзгу ният ўтди.

Хўш, ушбу юмушни кимлар ўз зиммаларига олишлари мумкин?

Президентимиз 2006 йил 11 январда имзолаган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мазкур ҳужжат талабларининг бош ижрочилари — боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги идоралари, фермер хўжаликлари эканлиги очиқ-ойдин белгилаб қўйилган. Демак, бу борада асосий масъулият уларнинг зиммасига тушади.

Уларни рағбатлантириш учун, бизнингча, анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг номинацияларига "Кўчат экиб, боғу роғлар ва ўрмонзорлар барпо этгани учун" деган йўналиш ҳам қўшилса, айни муддао бўларди. Бунда, табиийки, мевали ва мевасиз дарахтлар турлари, сони, сифати, албатта, фойдаланиб бўлмайдиган ерлар, ариқ ва зовур бўйларига экилгани инобатга олинади.

Мўл-кўл ва сифатли жийда, беҳи ва анжир етиштириш ҳисобига эса, юртимизда озиқ-овқат, фармацевтика, парфюмерия саноатини ривожлантиришнинг янги имкониятлари ҳам пайдо бўлади.

**Анварxон САИДАҲМЕДОВ,**
**журналист.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Васфи Каба қамоқда

*Исроил ҳарбийлари Фаластин ҳудудида рейд ўтказиш чоғида «ХАМАС» гуруҳи етакчиларидан бири Васфи Кабани қамоққа олди. Исроилликларнинг айтишича, ҳарбийлар Кабани қамоққа олаётганда уни танимаганлар. Таъкидлаш керакки, Исроил ҳарбий ҳаво кучлари шанба куни яна Ғазо секторини бомбардимон қилди.*



### Хусусий телеканал ёпилди

*Венесуэлада аҳоли мамлакат президенти Уго Чавеснинг хусусий телеканални ёпиш тўғрисидаги қароридан норози бўлиб, намойиш ўтказди. Полиция намойишни тарқатиш учун сув ва кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланди. Мамлакатдаги «Radio Caracas TV» станцияси Уго Чавеснинг қарорига биноан ўз кўрсатувларини тўхтатди. Уго Чавеснинг фикрича, ушбу телеканал мамлакат хавфсизлигига дахл қилмоқда.*

### Хасталик безовта қилмоқда

АҚШ ва Жанубий Корея махсус хизматлари Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ирнинг соғлиғи ёмонлашгани тўғрисидаги маълумотни қўлга киритган. Бу ҳақда Сеулда чоп этиладиган «Чосон ильбо» газетаси хабар тарқатди. Манбада келтирилишича, 65 ёшли етакчини юрак хуружи ва қандли диабет хасталиги безовта қилмоқда.

### Хат қолдирган бўлиши мумкин

**Япония қишлоқ хўжалиги вазири Тосикатцу Матцуока ўз жонига қасд қилган ва шифохонада жон берган. Бу ҳақда Токио полицияси бошқармасининг расмий вакили журналистларга хабар берди. Бироқ вакил вазир нима сабабдан шундай ишга қўл урганига изоҳ бермади. Маҳаллий матбуотда айтилишича, Тосикатцу ўлими олдидан бирор хат ёзиб қолдириб кетган бўлиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, бундан бир неча ҳафта олдин қишлоқ хўжалиги вазири коррупцияга аралашганликда гумон қилинганди.**

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*



## РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

**мустақил юртимиз фуқаролари ва меҳмонларига «NIHOL», «NILUFAR» ҳамда «BAHOR» деб номланган янги қисқа муддатли омонат турларидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 21 майдан 1 июлгача 1, 2 ҳамда 6 ой муддатларга қабул қилинади ва йиллик 24 фоиздан устама тўланади.**

**Шу билан бирга доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:**

| т/р | Омонат (депозит) номлари | Депозит тури | Муддати | Йиллик фоизи | Бошланғич бадал (сўмда) | Асосий шартлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Талаб қилиб олгунча | талаб қилиб олгунча | муддатсиз | 2.4 | 100 | Талаб қилиб олингунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади. |
| 2. | Пластик карточка | талаб қилиб олгунча | муддатсиз | МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида | 1000 | Талаб қилиб олингунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади, омонатга фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса шу кун учун фоиз ҳисобланмайди. |
| 3. | «Саломатлик» | муддатли | 11 ой | 16.6 | 10 000 | Ойига 1,4% устама ҳисобланади ва фақат саёҳатга чиқиш ҳамда саломатликни тиклаш учун сарфланади. |
| 4. | «Нафақа-мададкор» | муддатли | 1 йил | 15.1 | 10 000 | Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 1,3% устама тўланади. |
| 5. | «Ishonch» | муддатли | 3 ой-3 йил | 15,1-17,1 | 10 000-5 000 000 | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,1% дан 17,1% гача устама тўланади. |
| 6. | «Luks» | муддатли | 3 ой-3 йил | 15,6-17,6 | 5 000 000-10 000 000 | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,6% дан 17,6% гача устама тўланади. |
| 7. | «Kafolat» | муддатли | 3 ой-3 йил | 16,1-18,0 | 10000000 дан юқори | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 16,1% дан 18,0% гача устама тўлашга келишилади. |
| 8. | «KAMALAK» | муддатли | 4 ой | 18.0 | 100 000 | Маблағ 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь куни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 18% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. |
| 9. | «NAVBAHOR» | муддатли | 3 ой | 20.0 | 100 000 | Маблағ 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь куни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 20% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. |
| 10. | «SHODLIK» | муддатли | 2 ой | 22.0 | 200 000 | Маблағ 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь куни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 22% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. |
| 11. | «SEVINCH» | муддатли | 6 ой | 22.0 | 200 000 | Маблағ 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь куни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 22% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. |
| 12. | «NIHOL» | муддатли | 1 ой | 24.0 | 100 000 | Маблағ 2007 йил 21 майдан 2007 йил 1 июлгача қабул қилиниб, йиллик 24% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. |
| 13. | «NILUFAR» | муддатли | 2 ой | 24.0 | 100 000 | Маблағ 2007 йил 21 майдан 2007 йил 1 июлгача қабул қилиниб, йиллик 24% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. |
| 14. | «BAHOR» | муддатли | 6 ой | 24.0 | 100 000 | Маблағ 2007 йил 21 майдан 2007 йил 1 июлгача қабул қилиниб, йиллик 24% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. |
| 15. | «Меҳригиё» | жамғармали | 18 ёшгача | 14.0 | 10 000 | Йилига 14,0%дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. |
| 16. | «Kelajak» | жамғармали | 16 ёшгача | МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида | 10 000 | Қўшимча фоиз омонат банки томонидан қабул қилинган кунда амалда бўлган МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Омонат суммаси 16 ёшгача сақланади. |
| 17. | «Коммунал омонати» | муддатли | 3 ой ва ундан юқори | 18.0 | 100 000 | Аҳоли уй-жой, коммунал тўлов хизматлари ва электр тўловларини қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган. Йилига 18,0% миқдорида устама тўланади, коммунал тўловлар омонатчи иштирокисиз фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади. |

**Банкда сақланаётган омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин.**



## Оромгоҳлар чорлайди



Тоғлар этагидаги сўлим Қорабоғ қишлоғида жойлашган «Шодлик» болалар оромгоҳида қишлоқ меҳнаткашларининг фарзандлари дам олишади. 250 ўринли мазкур масканни мавсумга тайёрлаш ишлари барвақт якунланди. Ҳомийлар кўмаги билан сифатли таъмирдан чиқарилган шинам хоналар ўғил-қизларни қабул қилишга шай. Яратилган шароитдан кўнгли тўлган ота-оналарнинг кўпчилиги, жумладан, аксарият фермерлар болалари мароқли ҳордиқ чиқариш учун айни шу масканни танлашяпти. Масалан, ҳозиргача Чортоқ туманидан 160, Янгиқўрғондан 90 фермер хўжалиги йўлланма учун буюртма берди.

**Ҳордиқ**

Вилоятнинг соя-салқин гўшаларида жойлашган «Офтобча», «Ёш алоқачи», «Соҳил», «Умид» сингари оромгоҳлар ёзнинг иссиқ кунлари бошланиши билан болалар талпинадиган ажойиб масканга айланган. Ёзги таътил олдидан туманлардаги 11 та шундай муассасанинг ҳаммаси мавсумга тахт ҳолатга келтирилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**«Хонқа ип йигириш ва тўқимачилик фабрикаси» масъулияти чекланган жамияти тугатилади. СТИР 204629275, ОКОНХ 17116.
Даъво ва аризалар эълон чоп қилинган кундан эътиборан икки ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Хоразм вилояти, Хонқа тумани, О. Бобожонов кўчаси, 1-уй.
Тел: 8-362-399-12-95.**

**ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

## ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:



**БОШ КИЙИМЛАР:** тантана ва байрамларда кийиладиган жунли пилотка (аёл ҳарбий хизматчилар учун); «қум» («песочная») рангли дала камуфляж фуражкаси; «тоғ-саҳро» («горно-пустынная») рангли дала камуфляж фуражкаси; «тоғ тоши» («горный камень») рангли дала камуфляж фуражкаси; ёвшан (полынь) рангли дала фуражкаси; госпитал кепкаси (жокейка).

**ТИКУВ БУЮМЛАРИ:** рангли ётаржой буюмлари тўплами (2 та 70х70 см. ўлчамли ёстиқ жилди, 1 та ипгазлама чойшаб, 1 та ипгазлама кўрпа жилди); бир ярим ўринли пахтали матрац; пост пўстини; танкчилар учун ёзги костюм; мутахассислар учун қора рангли ёзги костюм (куртка ва комбинезон); иссиқлик ўтказмайдиган костюм; ўт ўчирувчилар учун брезент костюм; пост плаши; ошпаз бош кийими (колпак); ошпаз курткаси; ошпаз шими; ипгазлама қорамтир фартук; брезент фартук; бир томони резина билан қопланган фартук; клеёнкали енгбоғ (нарукавник); даволаш муассасалари учун ип газлама футболка (рубаха); госпитал шими; госпитал курткаси ва шими; госпитал калта пальтоси; ипгазлама оқ рангли тиббий халат; эркаклар учун икки бортли тиббий халат; жарроҳлар учун яшил рангли халат; жарроҳлар учун яшил рангли қўйлак; жарроҳлар учун яшил рангли шим; жарроҳлар учун яшил рангли оёқ кийими (бахилы); 112х147 см. ўлчамли болалар ёзги одеялоси (ўрин ёпинғичи); 112х147 см. ўлчамли «конверт» типидаги болалар кўрпа жилди; 100х180 см. ўлчамли болалар чойшаби; 60х50 см. ўлчамли ёстиқ устки жилди; 70х50 см. ўлчамли ётаржой буюмлари учун қоп; 140х140 см. ўлчамли дастурхон; 46х46 см. ўлчамли салфетка; 60х60 см. ўлчамли рўмолча (косынка); ип газлама оқ рангли фартук; оқ рангли аёллар халати.

**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ:** ипгазлама енгсиз тельняшка; ёвшан рангли кашне; 140х70 см. ўлчамли муолажа сочиғи; 70х35 см. ўлчамли пахмоқ сочиқ.

**МАХСУС ОЁҚ КИЙИМЛАРИ:** махсус кроссовкалар; аёллар хром туфлилари; аёллар хром этикчалари; бахиллар (совуқ шароитда кийиш учун оёқ кийими).

**АСЛАҲА-АНЖОМЛАР:** сержантлар дала сумкаси; «тоғ тоши» рангли матодан бронежилет (4-5 класс ҳимоялайдиган); бронешлем (4-5 класс ҳимоялайдиган); тоғ-альпинизм анжомлари тўплами.



**ФУРНИТУРА, ҚЎЛ ВА КЎКРАК НИШОНЛАРИ:** кундалик ва дала форма кийими учун кўкрак ва қўлга тақиладиган нишонлар; кундалик ва дала форма кийимлари учун кўкрак нашивкалари; олтин ва ёвшан рангли эмблемалар; кенг ассортиментда олтин ва ёвшан рангли юлдузчалар.

**МАТОЛАР:** ёвшан рангли ипгазлама мато (ҳарбий хизматдан бўшаётганларга қишки куртка тикиш учун); денгиз тўлқини рангли ип аралашган жунли мато; ёвшан рангли соф жунли мато.

**КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ:** суюқ атир совуни; 60 фоизли хўжалик совуни.

**БОШҚА БУЮМЛАР:** аскарларнинг «соя» («тень») рангли қишки қўлқоплари; аскарларнинг «қум» («песочная») рангли камуфляж қишки қўлқоплари; бармоқларсиз тикилган чарм қўлқоплар; 5 фоизли олтин суви югуртирилган ип (канитель); чангдан ҳимоя қиладиган кўзойнаклар; маиший чангютгич; автоматлаштирилган маиший кир ювиш машинаси.

**Тижорат таклифлари ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) эълон чоп этилгандан бошлаб 15 иш куни давомида соат 10.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги рухсатномалар бериш бюросида қабул қилинади. Тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш лозим: 100000, Тошкент шаҳри, академик Абдуллаев кўчаси, 100-уй.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.**

**Намуналар сифат сертификатлари билан эълон чоп этилгандан бошлаб 15 иш куни давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 27-уй. Телефон: 191-53-40.**

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

**2007 йил 28 майдан 28 июнгача қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

### ТИКУВ БУЮМЛАРИ:

тантана ва байрамларда кийиладиган ип аралашган жунли мундир ва қистирмасдан (навыпуск) кийиладиган денгиз тўлқини рангли шимлар; тантана ва байрамларда кийиладиган ип аралашган жунли мундир ва қистирмасдан кийиладиган ёвшан (полынь) рангли шимлар (буюртмачи хомашёсидан); ип аралашган жунли мундир ва қистирмасдан кийиладиган кўк рангли шимлар (ҲҲК учувчилари учун); ип аралашган жунли китель ва қистирмасдан кийиладиган денгиз тўлқини рангли шимлар; кундалик ип аралашган жунли китель ва қистирмасдан кийиладиган ёвшан рангли шимлар (Олий ҳарбий билим юрти курсантлари учун); кундалик ип аралашган жунли китель ва қистирмасдан кийиладиган ёвшан рангли шимлар (буюртмачи хомашёсидан); кундалик ип аралашган жунли куртка ва қистирмасдан кийиладиган ёвшан рангли шимлар (буюртмачи хомашёсидан); ип аралашган жунли куртка ва қистирмасдан кийиладиган денгиз тўлқини рангли шимлар; тантана ва байрамларда кийиладиган ёвшан рангли мундир ва юбка (аёл ҳарбий хизматчилар учун); кундалик ёвшан рангли жунли китель (аёл ҳарбий хизматчилар учун); кундалик ёвшан рангли жунли юбка (аёл ҳарбий хизматчилар учун); қишки иссиқ тутадиган «соя» («тень») рангли дала камуфляж костюмлари (парка); қишки иссиқ тутадиган «тоғ тоши» («горный камень») рангли дала камуфляж костюмлари; «қум» («песочная») рангли ип газлама қишки камуфляж костюмлари (офицерлар ва шартнома асосида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар учун); «тоғ-саҳро» («горно-пустынная») рангли ип газлама қишки камуфляж костюмлари; «тоғ-тош» («горно-каменистая») рангли матодан тайёрланган қишки костюмлар.

### ЁТАРЖОЙ БУЮМЛАРИ:

ип аралашган жунли адёллар; ип газлама ўрин ёпинғичи (покрывало).

### ШУНИНГДЕК,

шартнома асосида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар, оддий аскарлар ва сержантлар таркиби ҳамда Олий ҳарбий билим юрти курсантларига кенг ассортиментда кундалик, дала, тантана ва байрамлар учун погонлар; гигиеник салфеткалар.

**Тендер ҳужжатларини олиш учун 75 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.**

*Тендер таклифлари ва намуналарни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 28 июнь соат 17.00 гача.*

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ●



# «Баркамол авлод»дан — «Универсиада»га

— Икки марта «Баркамол авлод» мусобақаларида катта теннис бўйича қатнашгандим, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг биринчи босқич талабаси Алексей Номозов. — Андижонда битта олтин, битта кумуш медаль олдим. 2005 йили Тошкент вилоятида ўтган мусобақаларда яна шу натижани такрорладим. Жуфтликда шеригим Алексей Хегай билан турнир ғолиби бўлдик. Яккалик баҳсида финалда тошкентлик Арсен Асановга ютқазиб, кумуш медални қўлга киритдим.

Алексей бу натижаларга Қарши туманидаги маиший хизмат кўрсатиш коллежида ўқиб юрган пайтларида эришган эди. Энди у олий ўқув юрти талабаси. Айни пайтда ёшлар спорт мусобақаларининг учинчи босқичи — «Универсиада»га тайёргарлик кўрмоқда. Мураббий Рустам Абубакиров билан жисмоний ва тактик маҳоратини ошириш устида тинмай ишлаяпти.

Наманган ва Фарғонада бўлган «Фьючерс» теннис турнирлари Алексей учун «Универсиада»га тайёргарликнинг муҳим босқичи бўлди. Мусобақа жараёнида кортда кучли теннисчилар билан куч синашди, ўтган йиллари «Баркамол авлод»да қатнашган доимий рақиблари билан дўстона мулоқотда бўлди, тажриба алмашди.

— «Универсиада»да кучли теннисчилар кўп, — дейди институт ректорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Ўрол Ҳайитов. — Алексей Номозовдан умидимиз катта. У ёш бўлса-да, «Баркамол авлод» мусобақаларида қатнашиб, яхши тажриба тўплаган.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати 11- тур учрашувлари якунланди. Турнинг марказий учрашуви "Пахтакор" — "Насаф" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.***

## Беш дақиқада учта тўп

Чемпионатимизнинг икки номдор жамоасини қўллаб-қувватлаш учун стадионга ташриф буюрган томошабинлар ҳужумкор ўйин гувоҳи бўлишди. Учрашув якунланишига уч дақиқа қолганда Сервер Жепаровнинг ўнг томондан ошириб берган тўпини Анвар Солиев боши билан дарвозага йўллаб ҳисобни очди 1:0. Орадан икки дақиқа ўтиб, Уче Ихероуме ҳисобни 2:0 га етказди. 90 минутлик ўйинда йўқотилган вақтни қоплаш учун берилган муддатда Сервер Жепаров тўп киритиб, «Пахтакор»нинг йирик ҳисобдаги ғалабасини (3:0) таъминлади. Мамлакатимизнинг етти карра чемпиони ўзининг навбатдаги ғалабасига беш дақиқа ичида эришди.

Ушбу ғалабадан сўнг "Пахтакор" ўз очколарини 29 тага етказиб, турнир жадвалида пешқадам бўлиб олди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Трактор" — "Шўртан" 2:0, "Машъал" — "Металлург" 5:1, "Қизилқум" — "Локомотив" 1:0, "Самарқанд-Динамо" — "Вобкент" 1:0, "Бухоро" — "Андижон" 2:1, "Тўпаланг" — "Қурувчи" 1:2.

# Миржалол футбол юлдузларини таклиф қилади

***2 июнь куни пойтахтимиздаги МҲСК стадионида ўзбек футболининг юлдузи Миржалол Қосимовнинг хайрлашув учрашуви бўлиб ўтади.***



Бу ўйинга кўплаб давлатлардан таниқли футбол юлдузлари ва мутахассислар таклиф этилган. ЎФФ матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, тадбирга Валерий Газзаев (Москванинг "ЦСКА" жамоаси бош мураббийи), Виктор Онопко, Андрей Каряка, Али Дайи, Мустафо Муборак ва футбол оламининг бошқа номдор кишилари келиши кутилаётир.

Хабарингиз бор, Миржалол Қосимов профессионал футболдаги ўн саккиз йиллик фаолияти давомида "Динамо" (Минск), "Пахтакор" (Тошкент), "Спартак-Алания" (Владикавказ), "Крылья Советов" (Самара), "Аль-Шабаб" (Дубай) ва "Машъал" (Муборак) жамоаларида тўп суриб мухлислар эътиборини қозонди. Уч марта Ўзбекистон чемпиони, тўрт бор кубок, икки марта кумуш медаль соҳиби бўлган. Шунингдек, бир марта Россия чемпионлигини қўлга киритган.

Унинг энг катта ютуғи Ўзбекистон терма жамоаси сафида "Осиё ўйинлари - 94" ва собиқ иттифоқ ўсмирлар терма жамоаси таркибида 1987 йилги Европа ва жаҳон чемпионати ғолиби бўлганлигидир.

Миржалол Ўзбекистон терма жамоаси таркибида 67 бор майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 30 та тўп киритган.

# ҚОСИМЖОНОВ — ГЕЛЬФАНД 0,5 : 0,5

*Элиста (Россия) шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи саралаш мусобақалари бошланди. Унда ўтган йили Ханти-Мансида ўтказилган жаҳон кубогида яхши натижага эришган 16 нафар кучли гроссмейстер иштирок этмоқда. Улар орасида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам бор.*

Турнир низомига мувофиқ, иштирокчилар ўзаро олти партиядан дона суришади. Агар дуранг натижа қайд этилса, ғолиб тай-брейкда аниқланади. Сўнгра саралаб олинган саккиз нафар шахматчи жорий йилнинг сентябрь ойида Мексикада бўладиган жаҳон чемпионатига бериладиган тўртта йўлланма учун беллашади.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон шахмат таснифида юқори кўрсаткичга эга бўлган Владимир Крамник, Пётр Свидлер, Александр Морозевич (Россия) ва Вишванатан Ананд (Ҳиндистон)лар чемпионатда тўғридан-тўғри иштирок этишади.

Куни кеча якунланган биринчи турда ҳамюртимиз



Рустам Қосимжонов қора доналарда исроиллик Борис Гельфанд билан дуранг ўйнади. Петер Леко (Венгрия) — Михаил Гуревич (Туркия), Руслан Понамарёв (Украина) — Сергей Рублевский (Россия), Гата Камский (АҚШ) — Этьен Бакро (Франция), Юдит Полгар (Венгрия) — Евгений Бареев (Россия), Майкл Адамс (Англия) — Алексей Широв (Испания) учрашувларида ҳам дуранг натижа қайд этилди. Арманистонлик Левон Аронян норвегиялик Магнус Карлсенни, россиялик шахматчи Александр Гришук ўз ҳамюрти Владимир Малаховни мағлубиятга учратди.

Иккинчи тур ўйинлари бугун бўлиб ўтади.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида от спорти бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё минтақаси бўйича иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.***

## Тўсиқлардан ошган чавандоз

Аҳамиятлиси, унда ҳамюртимиз Ғайрат Назаров "Санаслан" лақабли оти билан конкур баҳсларида барча тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Жаҳон кубогининг учинчи босқичи 5-7 июнь кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилади.




ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
«ХАЛҚ БАНКИ»

BANK XALQ BANKI

омонатчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда навбатдаги янги

**«Матонат», «Шодиёна» ва «Фаровон ҳаёт»**

омонат турларини таклиф этади.

Жамғарилувчи ***«Матонат» омонати*** иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номига очилади. Уларнинг пенсия пулларини ҳар ойда нақд пулсиз ўтказиш орқали қабул қилиниб, сақланиш муддатидан қатъи назар ***йиллик 24 фоиз*** ҳисобида даромад тўланади.

***Фоиз даромади ҳар ойнинг 1-санасига ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшилади ва омонатчининг биринчи талаби бўйича нақд пулда берилади.***

Муддатли ***«Шодиёна» омонатига*** маблағлар ***3 ой*** муддатга ***йиллик 22%*** даромад тўлаш шарти билан камида ***100 000 сўм*** миқдорида нақд пулда қабул қилинади.

Жамғарилувчи ***«Фаровон ҳаёт» омонатига*** маблағлар деҳқон-фермер хўжаликлари аъзолари томонидан нақд пулда ёки ойлик маошларини нақд пулсиз ўтказиш орқали амалга оширилади, сақлаш муддати — ***6 ой,*** фоиз даромади — ***йиллик 21%.***

***Омонатчининг истагига кўра, хоҳлаган пайтда қўшимча бадаллар қабул қилинади.***

**Фоиз даромадлари ҳар ойда нақд пулда берилиши ёки омонатчининг хоҳишига кўра коммунал тўловларига ёки бошқа ҳисоб-китоб учун хизмат ҳақи олинмасдан ўтказиб берилиши мумкин.**

**Мазкур омонат турларига маблағлар Халқ банкининг барча филиалларида қабул қилинади.**

**Омонатдаги маблағларингизни биринчи талабингиз бўйича берилиши таъминланади.**

**Халқ банкида аҳоли омонатлари дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!**

***Сизни қизиқтирган қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: 173-99-95.***

**Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!**


## ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

**Иқлим**

**(29 май — 2 июнь)**

***Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, 29 майдан 2 июнга қадар юртимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди.***



Фақат 30-31 май кунлари Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин.

Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечалари 15-20 даража илиқ, кундуз кунлари 30-35 даража иссиқ бўлади. Жанубий ва чўл ҳудудларида кундузлари 33-38 даражагача иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. 29-31 май кунлари қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. 1-2 июнда ҳаво яна очилиб кетади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Момақалдироқ туфайли унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етади. Ҳарорат кечалари 9-14, кундуз кунлари 18-23 даража илиқ бўлади.





**«Крокус Газ Сервис» ҚК**
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

Setco Telecommunication System
Магазин-салон
**"УМНЫЙ ДОМ"**
www.setko.uz





***Мини-АТС,**
**Видео-наблюдение,**
**Контроль доступа.** (Под заказ)
**Тел.:138-9999, 137-2988.**
* Товар сертифицирован


Олий ҳарбий божхона институти раҳбарияти ва шахсий таркиби нафақадаги божхона хизмати полковниги

**Атамурод МАХАТМУРОДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори Ўткир Холмуҳамедовга падари бузруквори

**ОЧИЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги жамоаси бўлим бошлиғи Ўктам Содиқовга онаси

**ҲАБИБА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5